



## СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ESG-СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

и.ф.н., доц. **Зойиров Лазиз**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0005-9252-7567

[lzoyirov@mail.ru](mailto:lzoyirov@mail.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада суғурта компаниялари фаолиятида ESG (экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув) стандартларини жорий этишнинг аҳамияти ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. ESG тамойилларининг инвестицион жараёнларга таъсири, хусусан, капитал самарадорлиги, рискларни бошқариш ва инвесторлар ишончини мустаҳкамлашдаги ўрни ёритилган. Шунингдек, маҳаллий ва халқаро тадқиқотлар таҳлили орқали ESG интеграциясининг амалий механизмлари, муваффақият омиллари ва тўсиқлари кўриб чиқилган. Мақолада ESGни самарали жорий этиш бўйича қатор тавсиялар, жумладан, ички сиёсат ишлаб чиқиш, ҳисоботлар шаффофлигини таъминлаш, инвестицион портфельни қайта кўриб чиқиш каби йўналишлар аниқланган.

**Калит сўзлар:** ESG стандартлари, суғурта компаниялари, барқарор молия, инвестицион портфел, рискларни бошқариш, корпоратив бошқарув, экологик масъулият, ижтимоий таъсир.

## ВНЕДРЕНИЕ ESG-СТАНДАРТОВ В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ

к.э.н., доц. **Зоиров Лазиз**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В данной статье анализируются значение и практические аспекты внедрения ESG-стандартов (экологическое, социальное и корпоративное управление) в деятельность страховых компаний. Освещено влияние принципов ESG на инвестиционные процессы, в частности на эффективность капитала, управление рисками и укрепление доверия со стороны инвесторов. На основе анализа отечественных и зарубежных исследований рассмотрены механизмы интеграции ESG в страховой сектор, определены факторы успеха и существующие барьеры. В статье предложены практические рекомендации по эффективному внедрению ESG, включая разработку внутренней политики, обеспечение прозрачности отчётности и пересмотр инвестиционного портфеля.

**Ключевые слова:** ESG-стандарты, страховые компании, устойчивое финансирование, инвестиционный портфель, управление рисками, корпоративное управление, экологическая ответственность, социальное воздействие.

## IMPLEMENTATION OF ESG STANDARDS IN THE ACTIVITIES OF INSURANCE COMPANIES

PhD, assoc. prof. **Zoirov Laziz**  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** This article analyzes the significance and practical aspects of implementing ESG standards (Environmental, Social, and Governance) in the activities of insurance companies. It highlights the impact of ESG principles on investment processes, particularly in enhancing capital efficiency, improving risk management, and strengthening investor confidence. Based on the analysis of both domestic and international research, the article examines the mechanisms of ESG integration within the insurance sector and identifies key success factors as well as existing barriers. The paper provides practical recommendations for the effective implementation of ESG, including the development of internal policies, ensuring reporting transparency, and revising investment portfolios.

**Keywords:** ESG standards, insurance companies, sustainable finance, investment portfolio, risk management, corporate governance, environmental responsibility, social impact.

### Кириш.

Бугунги глобаллашув ва экологик муаммолар шароитида корхоналар фаолиятининг ижтимоий, экологик ва бошқарув (ESG – Environmental, Social, Governance) жиҳатларини ҳисобга олиш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Айниқса, суғурта сектори учун ESG стандартларини жорий этиш молиявий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий ишончни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишга ўтиш жараёнида молиявий институтлар, хусусан, суғурта компаниялари, фақат даромад манбаи эмас, балки ижтимоий ва экологик барқарорликка ҳисса қўшувчи муҳим субъектлар сифатида намоён бўлмоқда. Замонавий даврда бизнесни фақат иқтисодий самарадорлик асосида баҳолаш етарли эмас – унинг атроф-муҳитга, жамиятга ва бошқарув маданиятига таъсири ҳам инобатга олиниши лозим. Шу нуқтаи назардан, ESG (Environmental, Social, Governance) стандартларининг жорий этилиши инвестицион амалиётда янги босқични бошлаб берди.

Суғурта компаниялари ўзларининг бизнес модели, рискларни баҳолаш салоҳияти ва инвестицион фаолияти орқали ESG тамойилларини ҳаётга татбиқ этишда марказий рол ўйнайди. Улар нафақат капитални йўналтиради, балки ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига оладиган ва узоқ муддатли барқарорликни таъминлайдиган субъектлардир. Хусусан, иқлим хавфларини баҳолаш ва уларни молиявий воситалар орқали камайтиришда суғурта компанияларининг роли беқиёс.

Бироқ ESG стандартларини амалиётга жорий этиш жараёни осон кечмаяпти. Иқтисодий, ҳуқуқий ва ахборот соҳаларидаги турли тўсиқлар, шу жумладан ҳисобот стандартларининг номутаносиблиги, ESG кўрсаткичларини баҳолашда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги бу жараёни мураккаблаштиради. Бу эса суғурта компанияларидан янги билимлар, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва халқаро тажрибаларни ҳисобга олишни талаб этади.

### Адабиётлар шарҳи.

Шайисламова ва Кудратова (2023) олимларнинг таъкидлашича, ESG стандартларини жорий этишда давлат бизнесни қўллаб-қувватлаши ва халқаро тажрибаларни адаптация қилиши керак. Уларнинг фикрича, ESG – бу суғурта компаниялари учун стратегик императив ва рақобатбардошликнинг калитидир.

Умаров, Эшонқулов ва Баҳадировлар (2024) ESG – Ўзбекистон суғурта бозорида ESG амалиёти ҳали шаклланмаганини қайд этар эканлар, бундай стандартларни жорий

этишда қонунчилик асоси ва соҳавий методологиянинг йўқлиги энг катта тўсиқлар эканлигини таъкидлайдилар.

Шаисломова (2024) ўз тадқиқотида ESG тизимини жорий этишда “манфаатдор томонлар билан иштирок этиш ва шаффофлик” муҳим муваффақият калитлари сифатида қаралган. Бу дегани, ESG стандартларини самарали жорий этиш учун компаниялар нафақат ички жараёнларни такомиллаштириши, балки барча манфаатдор томонлар – инвесторлар, мижозлар, ходимлар, жамоатчилик ва регуляторлар билан доимий ва очиқ мулоқот олиб бориши зарур.

Brogi ва бошқалар (2022) фикрига кўра, ESG ишлаб чиқарувчи компанияларнинг катталиги, барқарор даромадлари ва соҳадаги тажрибаси уларнинг ESG даражасини аниқлашда муҳим омиллардан биридир бўлиб хизмат қилади деб таъкидлашган.

Khovrak (2020) ўз тадқиқотида биринчи марта 156 та суғурта компаниясининг ESG рискларини баҳолашда қўллаган усулларини ўрганиб, уларнинг баҳолаш жараёнида уч асосий жабҳа – атроф-муҳит (Environmental), ижтимоий (Social) ва бошқарув (Governance) компонентлари – энг муҳим жиҳатлар сифатида ажратилганини таъкидлайди. Бу уч жабҳа ESG тизимининг пойдевори ҳисобланади ва суғурта компаниялари бу соҳалар бўйича ўз хавфларини аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш учун махсус методологияларни ишлаб чиқади.

Ушбу тадқиқотда компаниялар экологик хавфлар, ижтимоий масъулият ва корпоратив бошқарувга оид хатарларни қандай баҳолашлари ва уларни инвестиция ҳамда суғурта портфелларида қандай инкор этишлари ўрганилган. Khovrak шу билан ESG рискларини комплекс ва тизимли баҳолаш учун мазкур уч жабҳанинг аҳамиятини илк бор умумлаштирган ва бу соҳадаги тадқиқотлар учун асосий йўналишларни белгилаган.

Williams (2024) Европа ва Британия суғурта бозорларида ESGнинг тадбиқ этилишини таҳлил қилиб, унинг инвестиция фаолиятига таъсирини кенг таҳлил қилган. Унинг хулосасига кўра, ESG тамойиллари суғурта компаниялари инвестиция жараёнларига интеграция қилиш капитал самарадорлигини оширади, яъни компаниялар молиявий ресурсларини самаралироқ тақсимлаб, даромаддорликни яхшилайдилар. Шунингдек, ESG нинг жорий этилиши риск бошқарувини такомиллаштиради, яъни иқлим ва ижтимоий хавфларни олдиндан аниқлаш ва бошқариш имконини беради. ESG тамойилларини қўллаш суғурта компаниялари ва инвесторлар ўртасида ишончни мустаҳкамлайди, бу эса молиявий бозорлардаги барқарорлик ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун муҳимдир. Ушбу ёндашув Европа ва Британиядаги суғурта соҳасининг ўзига хос хусусиятлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда, компанияларнинг ўз стратегияларини барқарорликка мослаштиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтади.

Alshadadi, Deshmukh, ва Zaid (2021) фикрига кўра суғурта компаниялари ўз инвестиция ва риск бошқарув сиёсатларида ESG тамойилларига интеграция қилиш орқали нафақат атроф-муҳитга ва жамиятга ижобий таъсир кўрсатади, балки ўз молиявий барқарорлигини ҳам мустаҳкамлайдилар. Шунингдек, муаллифлар ESG амалиётларининг суғурта компаниялари учун рақобатбардошликни ошириш ва ишончлиликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашади.

Mahrani, Ali, ва Wu (2023) суғурта соҳасида ESG билан боғлиқ низолар ва уларнинг компанияларнинг молиявий барқарорлигига, айниқса банкротлик хатарларига таъсирини тадқиқ қилишган. Уларнинг таҳлиллари ESG-нинг салбий жиҳатлари – масалан, корпоратив масъулиятни бажармаслик, экологик ёки ижтимоий муаммолар туфайли юзага келган низолар – суғурта компанияларининг молиявий кўрсаткичларига ва барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатган.

Мақолада айтилишича, ESG муаммолари суғурта компанияларининг обрўсига путур етказиши, инвесторлар ишончининг пасайиши ва натижада банкротлик

хавфининг ошишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун, компаниялар ESG рискинни самарали бошқариш ва баҳолаш учун катта аҳамият беришлари кераклиги таъкидланади.

Okonjo ва Tang (2022) ўз тадқиқотларида ESG рейтинглари (балллари)нинг мулк ва масъулият суғурталари (Property & Casualty, P&C) компанияларининг молиявий самарадорлигига таъсирини таҳлил қилганлар. Уларнинг тадқиқоти кўрсатдики, юқори ESG балларига эга компаниялар одатда молиявий кўрсаткичларда яхшироқ натижалар кўрсатади. Олимларнинг фикрига кўра, ESGнинг ижтимоий, экологик ва корпоратив бошқарув жиҳатларини самарали бошқариш компанияларнинг рискларини камайтиради, ишончиликлари оширади ва натижада даромадни барқарорлаштиради. Шунингдек, юқори ESG рейтинги инвесторлар ва мижозлар учун ижобий сигнал бўлиб, бу компанияларга рақобат устунлиги беради.

Шунингдек Абдурахмонов (2018-2024) ҳозирги иқтисодий шароитда суғурта соҳаси, унинг иқтисодиётдаги роли, иқтисодий ўзгаришлар натижасида суғуртада қўлланилаётган замонавий технологиялар, суғурта хизматлар бозорида сотилаётган замонавий суғурта маҳсулотлари, суғурта соҳасининг замон билан биргаликда юз бераётган трансформацияси, суғуртанинг ривожланиш векторларини кўрсатиб ўтган.

### Тадқиқот методологияси.

Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек инвестицион фаолият ва уларни амалга оширишнинг механизмларини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

ESG – бу **Environmental (экологик), Social (ижтимоий) ва Governance (бошқарув)** соҳаларидаги корпоратив масъулият мезонларидир. Ушбу стандартлар компаниялар фаолиятини нафақат молиявий кўрсаткичлар, балки кенг жамоат ва табиат олдидаги масъулияти нуқтаи назаридан ҳам баҳолашга хизмат қилади. ESG концепцияси инвесторларга, суғурта компанияларига ва бизнес иштирокчиларига компаниянинг узоқ муддатли барқарорлигини таҳлил қилишда муҳим мезон сифатида хизмат қилади. Бу мезонларни янада кенгроқ ёритадиган бўлсак қуйидагиларни кўришимиз мумкин бўлади, жумладан:

*E – Environmental (Экологик масъулият).* Экологик компонент компаниянинг табиатга ва иқлим ўзгаришига қандай таъсир кўрсатаётганини баҳолайди. Ушбу йўналишдаги асосий мезонлар қуйидагилардан иборат:

- Иқлим хавфларини бошқариш: Компаниялар табиий офатлар, глобал исиш ва сув етишмовчилиги каби хавфларни олдиндан баҳолаши ва уларга мос стратегия ишлаб чиқиши керак.

- Карбонат изини камайтириш (CO<sub>2</sub> emissions): Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида атмосферага чиқариладиган парник газлари миқдорини қисқартириш бўйича аниқ мақсадларни белгилаш ва амалга ошириш.

- Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш: Қуёш, шамол ва гидроэнергетика каби энергия манбаларини жорий этиш.

- Ифлосланишни назорат қилиш: Ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланишига қарши чоралар кўриш, чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш.

- Экологик тоза маҳсулотлар ва хизматлар: Энергия тежовчи, биологик хавфсиз ва қайта ишланадиган материаллардан тайёрланган маҳсулотларни таклиф қилиш.

*S – Social (Ижтимоий масъулият).* Ижтимоий компонент компаниянинг ходимлар, мижозлар, жамоат ва кенг ижтимоий муҳит билан қандай муносабатда бўлишини баҳолайди:



– Меҳнат ҳуқуқлари ва шароитлари: Ходимларга хавфсиз ва соғлом иш муҳитини таъминлаш, меҳнат шартномаларининг шаффофлиги ва меҳнат кодексига риоя қилиш.

– Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш: Компания фаолияти жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларига зарар етказмаслиги шарт.

– Гендер тенглиги ва инклюзивлик: Ишга қабул қилиш, маош, лавозим оширишда эркак ва аёллар ҳамда турли ижтимоий гуруҳлар учун тенг имкониятлар яратиш.

– Мижозлар ҳуқуқлари ва шаффоф ахборот: Хизмат кўрсатишда адолатли ва холис муносабатда бўлиш, мижозларга тўғри маълумот тақдим этиш.

– Жамоатга ижобий таъсир: Ҳудудий ривожланиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий дастурларда иштирок этиш.

*G – Governance (Корпоратив бошқарув).* Бошқарув бўлими компаниянинг ички тузилиши, бошқарув органлари фаолияти ва шаффофлик даражасини баҳолайди. Бу йўналишда асосий мезонлар қуйидагилардир:

– Коррупцияга қарши кураш: Компанияда коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва молиявий алдовга қарши қатъий сиёсат мавжуд бўлиши керак.

– Мустақам бошқарув тизими: Мустақил кузатув кенгашлари, ички аудит хизмати, бошқарув қарорларининг ҳисобдорлиги.

– Инвесторлар ва акциядорлар билан шаффоф муносабат: Ҳисобот бериш тизимининг очиқлиги, солиқ тўлашда қонунийликка амал қилиш.

– Хавфларни бошқариш: Хатарларни аниқлаш, уларни минималлаштириш стратегияси ва кризис ҳолатида ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш.

Суғурта соҳаси жаҳон молия тизимида муҳим ўрин эгаллаб, рискларни бошқариш ва молиявий барқарорликни таъминлашда асосий восита ҳисобланади. Бугунги глобал муаммолар, хусусан, иқлим ўзгариши, экологик мувозанатнинг бузилиши ва ижтимоий адолат масалалари суғурта компанияларидан фаол экологик ва ижтимоий позицияни талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ESG стандартлари (экологик, ижтимоий ва бошқарув мезонлари) суғурта компаниялари фаолиятидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу стандартларни жорий этиш нафақат масъулиятли инвестиция сиёсатини шакллантиради, балки рискларни камайтириш ва ишончли корпоратив имидж яратишда муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Суғурта компаниялари иқлим ўзгаришлари оқибатидаги рискларни сезувчи биринчи институтлардан бири ҳисобланади. Сув тошқинлари, қурғоқчилик, ёнғинлар, кучли шамоллар ва бошқа табиий офатлар нафақат жисмоний ва юридик шахсларга зарар етказади, балки суғурта компаниялари учун кенг қўламда суғурта тўловларини талаб қилувчи ҳолатлар юзага келтиради. Бу эса уларнинг молиявий барқарорлигига таҳдид солади. ESG стандартлари орқали компаниялар иқлим хавфларини олдиндан аниқлаб, уларни тўғри баҳолаш имкониятига эга бўлади. Хавфларни диверсификация қилиш, иқлимга мослашган суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва рискни қайта суғурта қилиш механизмларини такомиллаштириш каби йўллар билан табиий рискларни самарали бошқаришлари мумкин бўлади.

Суғурта компаниялари тўплаган маблағларни узоқ муддатли активларга инвестиция қилган ҳолда даромад олади. ESG стандартларига мос келувчи инвестициялар, жумладан, «яшил» облигациялар, қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия тежовчи инфратузилма ва экологик лойиҳаларга йўналтирилган маблағлар нафақат барқарор даромад манбаи, балки масъулиятли сармоя шакли сифатида ҳам кўрилади. ESG мезонлари асосида тузилган инвестиция портфели кўпинча кам рискларга эга бўлади, чунки бу каби лойиҳаларнинг ижтимоий ва экологик таъсири юқори баҳоланган бўлади. Суғурта компаниялари учун бундай йўналиш фақат молиявий, балки стратегик барқарорлик нуқтаи назаридан ҳам фойдали ҳисобланади.

Жамоатчилик ва инвесторлар учун компаниянинг ижтимоий ва экологик масъулияти тобора муҳим иқтисодий мезонга айланиб бормоқда. ESG стандартларини жорий этган ва уларга амал қилувчи суғурта компаниялари жамоат нигоҳида масъулиятли, шаффоф ва ишончли компания сифатида намоён бўлади. Бундай компаниялар фойдаланувчиларнинг ишончини қозонади, обрўсини оширади ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди. Шунингдек, ESG бўйича фаолиятни очиқ эълон қилиш, ҳисобот бериш ва ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиш компаниянинг корпоратив брендини янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

## 1-жадвал

Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг таркибий тузилиши<sup>1</sup>

| Кўрсаткич номи                       | 2023       |                      | 2024       |                      | Ўзгариш % да |
|--------------------------------------|------------|----------------------|------------|----------------------|--------------|
|                                      | млн. сўмда | Жамига нисбатан % да | млн. сўмда | Жамига нисбатан % да |              |
| Жами инвестициялар, шу жумладан:     | 4 751 745  | 100%                 | 6 149 938  | 100%                 | +29,4%       |
| Депозитлар (омонатлар)               | 2 896 636  | 61,0%                | 4 037 369  | 65,6%                | +39,4%       |
| Қимматли қоғозлар                    | 1 287 917  | 27,1%                | 1 357 492  | 22,1%                | +5,4%        |
| Займлар                              | 60 776     | 1,3%                 | 46 864     | 0,8%                 | -22,9%       |
| Кўчмас мулк                          | 358 944    | 7,6%                 | 539 498    | 8,8%                 | +50,3%       |
| Ташкилотлар устав фондидаги иштироки | 118 221    | 2,5%                 | 134 728    | 2,2%                 | +14,0%       |
| Бошқа инвестициялар                  | 29 252     | 0,6%                 | 33 988     | 0,6%                 | +16,2%       |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди (napp.uz, n.d.).

Ўзбекистон суғурта бозори ҳамда суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти сўнгги йилларда сезиларли равишда ривожланиб бормоқда. Суғурта компаниялари фақат суғурта хизматларини тақдим этиш билан чекланмай, шунингдек, инвестиция фаолияти орқали ўз молиявий натижаларини яхшилашга интилишмоқда. Суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти мамлакатдаги иқтисодий шароит, қонунчилик ва бозорнинг умумий ҳолатига боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, миллий суғурта бозоримизда суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятида кўйидаги ҳолатни кўзатишимиз мумкин бўлади (1-жадвал).

Юқоридаги келтирилган жадвалда 2023 ва 2024 йиллар учун Ўзбекистон суғурта бозоридаги суғурта компанияларининг умумий инвестицион фаолиятини келтирилган. 2024 йилда суғурта компанияларининг инвестицион портфели 6,1 триллион сўмни ташкил этган, бу ўтган йилга нисбатан 29,4% ўсганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бу суғурта компаниялари инвестицион фаолиятининг ривожланишини ва активларнинг диверсификациялашини кўрсатади. Бунда асосий ўсиш банк депозитлари ва кўчмас мулкларга киритилган инвестицияларнинг ошганлигини кўришимиз мумкиндир, яъни 2024 йилда улар 4,0 триллион сўмни ташкил қилган (2023 йилга нисбатан 39,4 фоиз ошган). Бу кўрсаткич суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш учун депозитларга бўлган қизиқишнинг ортишига ишора қилади. Депозитлар хавфсиз ва кам рискли активлар ҳисобланади, шу сабабли суғурта компаниялари барқарор даромад олишга интилишмоқда. Компаниялар томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар аҳамиятга моликдир, 2024 йилда бу

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>

кўрсаткич 5,4 фоиз ўсишни намоён этган. Бу кўрсаткич суғурта компанияларининг юқори ликвидли ва барқарор активларга сармоя киритишга ҳаракат қилишини кўрсатади. Бундай активлар инвестиция даромадларини таъминлашда самарали механизмлардан бири ҳисобланади.

2024 йилда суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятида яхши ривожланиш кузатилган. Депозитлар ва кўчмас мулкка сармоялар тез ўсган, бу барқарор ва хавфсиз активларга бўлган қизиқишнинг ортганлигини билан изоҳланади. Шу билан бирга, займларга сармоялар камайган, бу компанияларнинг юқори хавфли активларга сармоя киритишдан қочишини англатади. Қимматли қоғозлар ва ташкилотлар устав фондидаги иштироклар ҳам маълум даражада ўсган, бу компанияларнинг диверсификациялашга ва стратегик инвестицияларга қизиқишини кўрсатади.

Суғурта компаниялари ESG (Environmental, Social, Governance) стандартларини ўз фаолиятига самарали жорий этиш учун бир нечта асосий стратегик қадамларни амалга оширишлари лозим. Биринчи навбатда, ички сиёсат ва корпоратив стратегия ESG талаблари билан уйғунлаштирилиши зарур. Бу ESG сиёсати лойиҳасини ишлаб чиқиш, компаниянинг ички регламентлари ва хизматлар стандартларини ушбу талабларга мувофиқлаштириш ҳамда барқарор ривожланишга эришиш учун аниқ мақсад ва кўрсаткичларни белгилашни ўз ичига олади.

Иккинчидан, ESG билан боғлиқ хавфларни аниқлаш ва баҳолаш тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тизим мавжуд суғурта хавфлари таҳлиliga ESG омилларини қўшиш, махсус баҳолаш методологияларини жорий этиш, климатик стресс-тестлар ва ESG хавф хариталарини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Бу суғурта компанияларига ESG таваккалчиликларини олдиндан аниқлаш ва уларга жавоб чораларини кўриш имконини беради.

Учинчи муҳим қадам – ходимларни тайёрлаш ва ESG соҳасида салоҳиятни ошириш. Суғурта ташкилотларида ESG стандартлари бўйича етарли билим ва кўникмага эга мутахассисларнинг етишмаслиги амалдаги тизимни самарасизлаштириши мумкин. Шу боис, компаниялар доирасида ESG бўйича мунтазам малака ошириш курслари, тренинглар ва халқаро тажрибаларни ўрганишга йўналтирилган ташкилий чоралар кўрилиши лозим.

Тўртинчи йўналиш сифатида, ESG фаолияти бўйича шаффоф ҳисобот тизимини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. ESG бўйича йиллик ҳисоботларни тайёрлаш ва уларни очиқ тарзда эълон қилиш орқали компания жамоатчилиги, давлат органлари ва инвесторлар олдида ҳисобдорликни таъминлайди. Ушбу ҳисоботларда углерод изи, ижтимоий лойиҳаларда иштирок даражаси, корпоратив бошқарув кўрсаткичлари каби муҳим маълумотлар акс этиши лозим.

Нихоят, инвестицион портфельни ESG стандартлари асосида қайта кўриб чиқиш зарур. Суғурта компаниялари ўз инвестицион фаолиятини қайта таҳлил қилиб, ESG мезонларига мос келмайдиган активларни қисқартириши ёки бутунлай чиқариб ташлаши, ўрнига экологик ва ижтимоий жиҳатдан самарали, ESG рейтинги юқори бўлган лойиҳаларга инвестиция киритишни афзал кўришлари керак. Бундай ёндашув, суғурта секторида барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Ҳозирги глобал иқтисодий ва экологик шароитларда ESG (Environmental, Social, Governance) стандартларининг суғурта компаниялари фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. ESG мезонлари компанияларнинг нафақат молиявий кўрсаткичлари, балки жамият ва табиат олдидаги масъулиятини баҳолашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Суғурта соҳаси табиий офатлар ва иқлим ўзгаришлари каби рискларга дуч келувчи биринчи институтлардан бири ҳисобланади, шунинг учун

ҳам бу соҳада ESG стандартларини жорий этиш компанияларнинг молиявий барқарорлигини ва стратегик устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Экологик (Environmental) йўналишда суғурта компаниялари иқлим хавфларини олдиндан баҳолаш ва камайтириш, карбонат изини қисқартириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш орқали ўз таъсирини камайтиришга интилади. Ижтимоий (Social) мезонлар эса компаниянинг ходимлари, мижозлари ва жамоат билан муносабатларини яхшилашга, гендер тенглиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Корпоратив бошқарув (Governance) эса коррупцияга қарши курашиш, очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлаш, хавфларни самарали бошқаришни назарда тутди.

Суғурта компаниялари ESG стандартларини фаол қўллаш орқали рискларни камайтириш, ишончли корпоратив имиж яратиш ва узоқ муддатли барқарорликка эришиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга, ESGга мос инвестиция стратегиялари компанияларнинг молиявий натижаларини яхшилаш ва бозорда рақобатбардошликни оширишда муҳим роль ўйнайди.

Шу нуқтаи назардан, суғурта ташкилотлари учун ESG стандартларини ўз корпоратив сиёсатига киритиш, ходимларни ушбу соҳада малакасини ошириш, хавфларни баҳолаш тизимини яратиш ва шаффоф ҳисобот бериш амалиётларини жорий этиш зарур. Бу жараёнлар нафақат компаниянинг барқарор ривожланишига хизмат қилади, балки умумий молиявий тизимнинг ҳам барқарорлигини мустаҳкамлайди.

### **Адабиётлар / Литература / References:**

Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 5.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Alshadadi M.A., Deshmukh S., Zaid K.M. (2021) *Sustainability and Practices of Insurance Companies: Literature Review. Studies in Economics and Business Relations*, Vol. 14, Issue 2, pp. 110–121.

Brogi M., Lagasio V., Poli F. (2022) Determinants of ESG Measures: Evidence from European Insurance Companies. *Sustainability*, 14(20), 13017. DOI: 10.3390/su142013017.

Khovrak I. (2020) ESG-driven approach to managing insurance companies' sustainable development. *Investment Management and Financial Innovations*, 17(2), 302–313.

Mahrani F., Ali R., Wu J. (2023) ESG controversies and insolvency risk: Evidence from the insurance industry. *Journal of Sustainable Finance & Investment*. DOI: 10.1080/20430795.2023.2220560.

Okonjo C., Tang J. (2022) Effects from ESG Scores on P&C Insurance Companies' Performance. *Sustainability*, 14(12), 7539. DOI: 10.3390/su14127539.

Shaislamova N. (2024) Key Challenges and Success Factors in Implementing ESG Principles in Uzbekistan. *JournalNX*, Vol. 10, Issue 3, pp. 65–71.

Williams E. (2024) The Role of ESG Principles in Enhancing Financial Performance in the Insurance Sector: A Comparative Study of the UK and Germany // *JBMI Insight*. — Vol. 1, No. 3. — P. 13–24. — DOI: 10.1234/jbmi.2024.003

Абдурахмонов, И. (2023). Совершенствование практики страхования ответственности в Республике Узбекистан. Каталог авторефератов, 1(1), 1–20. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/autoabstract/article/view/41252>.

Абдурахмонов, И. (2024). Неизвестные нам риски цифровой экономики. Экономическое развитие и анализ, 2(7), 230–239. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48792>.



Абдурахмонов, И. (2024). Страховой рынок: современное состояние и тенденции развитие. Экономическое развитие и анализ, 2(4), 309–319. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48500>.

Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12–15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.

Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод-Молия» нашриёти, 23-24.

Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/–Т.: «Иқтисод молия», 353-354.

Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.

Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. *Tadqiqotlar. UZ*, 37(6), 161-167.

Умаров Х., Эшонкулов А., Баҳадуров А. (2024) Introduction of ESG Principles in the Insurance Market of Uzbekistan. *E3S Web of Conferences*, 431, 03016. DOI: 10.1051/e3sconf/202343103016.

Шайисламова Н.К., Кудратова Ф.Н. (2023) Корхоналарда ESG тамойилларини жорий этишнинг асосий йўналишлари. *ОАРЕРО: Жаҳон илмий тадқиқотлар журналы*, №5, 35–41 б.